

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib 64.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ФОЗИЛОВ ХУРШИД ГАЙРАТОВИЧ**

**ЧАП ҚОРИНЧА ДИСФУНКЦИЯСИ БОР ЮРАК КОРОНАР  
КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ДАВОЛАШНИНГ  
ТУРЛИ УСУЛЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Фозилов Хуршид Гайратович**

Чап қоринча дисфункцияси бор юрак коронар касаллиги билан оғриган беморларда даволашнинг турли усуллари имкониятлари ..... 3

**Фозилов Хуршид Гайратович**

Возможности различных подходов лечения у больных коронарной болезнью сердца с дисфункцией левого желудочка..... 27

**Fozilov Khurshid Gayratovich**

Possibilities of different treatment approaches in patients with coronary heart disease and left ventricular dysfunction ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 75

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib 64.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ФОЗИЛОВ ХУРШИД ГАЙРАТОВИЧ**

**ЧАП ҚОРИНЧА ДИСФУНКЦИЯСИ БОР ЮРАК КОРОНАР  
КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ДАВОЛАШНИНГ  
ТУРЛИ УСУЛЛАРИНИ ИМКОНИАТЛАРИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Tib335 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Абдуллаев Тимур Атаназарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуруллаева Наргиза Мухторхановна.**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Лопатин Юрий Михайлович.**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Тураев Феруз Фатхуллаевич.**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ФДБМ "А.В. Вишневский номидаги Миллий тиббий тадқиқот жарроҳлик маркази".

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib 64.01. рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_»\_\_\_\_\_2024 й. соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (+99871) 237-38-16, e-mail: info@cardiocenter.uz )

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (+99871) 237-38-16).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_даги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзФАнинг академиги

**Г.У.Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

**А.Б.Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича ўлим ҳолатларининг энг кенг тарқалган сабаби юрак коронар касаллиги (ЮКК) бўлиб, у умумий кўрсаткичда 16% ни ташкил қилмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...2000 йилдан бери ЮКТКдан ўлим ҳолати сони 2 млн дан ошди ва бу кўрсаткич 2019 йилда 8,9 млн га етди»<sup>1</sup>. ЮКК ҳаётнинг фаол даврида, 40–60 ёшдаги беморларда юзага келади ва ҳаёт сифатининг пасайиши ҳамда юқори даволаниш харажатлари билан кечади. Статистик маълумотларга кўра «...2019 йилда дунё бўйича 56,2 млн киши юрак етишмовчилиги (ЮЕ)дан азият чеккан»<sup>2</sup>. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЮКК сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ривожланишининг энг кўп учрайдиган сабаби бўлиб қолмоқда. Касалликнинг дастлабки соатларидан унинг кечишини назорат қилиш, ўз вақтида адекват даво режасини тайинлаш, юрак коронар етишмовчилиги натижасида ўлим ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ЮККни ташхислаш ва даволаш чора-тадбирлари самарадорлигини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ЮКК билан оғриган беморларни даволаш орқали стенокардияни бартараф этиш, юрак-қон томир асоратлари ривожланиш хавфини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, диагностика усулларини такомиллаштириш, фармакотерапиясини клиник-нейровизуал кўрсаткичларга асосланиб оптималлаштириш, миокард реваскуляризациясининг стенокардия оғирлигини камайтириш, антиангинал дориларга бўлган эҳтиёжни камайтириш, жисмоний зўриқишга чидамликни ошириш, даволашда самарасиз натижалар сабабларини аниқлаш, даволаш усулларига замонавий ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишга анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Шунга қарамай, реваскуляризациянинг СЮЕ ва ЮКК билан оғриган беморларнинг прогнозига таъсири масаласи ноаниқлигича қолмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва турларини сезиларли кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...халқимизнинг эҳтиёжи ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш»<sup>3</sup>га қаратилган муҳим вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда юрак коронар касаллиги билан оғриган беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўлақонлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт

<sup>1</sup>The top 10 causes of death. World Health Organization; 2020. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death>.

<sup>2</sup> 2024 Heart Disease and Stroke Statistics: A Report of US and Global Data From the American Heart Association. *Circulation* 2024; 149 (8): e347-e913

<sup>3</sup> Указ Президента РУз от 11.09.2023 г. № УП-158 «О СТРАТЕГИИ «УЗБЕКИСТАН – 2030»»

сифатини ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ–5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар», 2021 йил 27 сентябрдаги ПҚ–5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 22 январдаги ПҚ–103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>4</sup> ЮКК ва СЮЕнинг патогенези, диагностикаси ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, National Heart, Lung and Blood Institute (АҚШ), Duke University, (АҚШ), University of Southern California (АҚШ), Mayo Clinic Vascular Surgery (АҚШ), Guy's and St Thomas' Hospital (Буюк Британия), Barts Heart Centre, London (Буюк Британия), British Heart Foundation Centre of Excellence at the School of Cardiovascular Medicine and Sciences, King's College London, London, (Буюк Британия), Northside Hospital Cardiovascular Institute, Atlanta, GA, USA), А.Н.Бакулев номли юрак қон-томир жаррохлик миллий тиббий тадқиқот

---

<sup>4</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи Petrie MC, Jhund PS, She L, et al., on behalf of the STICH Trial Investigators. Ten-Year Outcomes After Coronary Artery Bypass Grafting According to Age in Patients With Heart Failure and Left Ventricular Systolic Dysfunction: An Analysis of the Extended Follow-Up of the STICH Trial (Surgical Treatment for Ischemic Heart Failure). *Circulation* 2016; Maron D.J., Hochman J.S., O'Brien S.M. et al. International Study of Comparative Health Effectiveness with Medical and Invasive Approaches (ISCHEMIA) trial: Rationale and design // *Am. Heart J.* 2018; Boden WE, O'Rourke RA, Teo KK, et al. The Evolving Pattern of Symptomatic Coronary Artery Disease in the United States and Canada: Baseline Characteristics of the Clinical Outcomes Utilizing Revascularization and Aggressive Drug Evaluation (COURAGE) Trial. *Am J Cardiol* 2007; Perera D, Clayton T, O'Kane PD, et al., on behalf of the REVIVED-BCIS2 Investigators. Percutaneous Revascularization for Ischemic Left Ventricular Dysfunction. *N Engl J Med* 2022 бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

маркази, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Россия Федерацияси), Республика Кардиология илмий-амалий маркази (Белорусия).

ЮКК ва чап қоринча қон отиш фракциясининг пасайиши (ЧҚОФ) билан оғриган беморларни даволаш тактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлардан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: фақат оптимал медикаментоз терапия (ОМТ) тайинланган беморларга нисбатан аортокоронар шунтлаш тайинланган беморларда юрак-қон томир касалликлари туфайли ўлим, шунингдек, ҳар қандай сабабдан ўлим ёки юрак-қон томир сабабларига кўра касалхонага ётқизиш кўрсаткичлари пастроқ бўлган (Duke University, АҚШ; Mayo Clinic Vascular Surgery АҚШ); стенокардиянинг оғирлик даражаси ва замонавий антиангинал терапия имкониятларини ҳисобга олган ҳолда инвазив даволаш учун барқарор ЮКК билан оғриган беморларни янада синчковлик билан танлаш зарурати кўрсатилган (А.Н.Бакулев номли юрак қон-томир жаррохлик миллий тиббий тадқиқот маркази, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Россия Федерацияси), Республика Кардиология илмий-амалий маркази (Белорусия)); стабил ЮКК билан оғриган беморларда тери орқали коронар аралашувлар (ТОКА) стенокардияни енгиллаштириши, аммо омон қолишни яхшиламаслиги аниқланган (British Heart Foundation Centre of Excellence at the School of Cardiovascular Medicine and Sciences, King's College London, London, United Kingdom; Northside Hospital Cardiovascular Institute, Atlanta, GA, USA); чап қоринча (ЧК) оғир ишемик систолик дисфункцияси бўлган, ОМТ олган беморлар орасида ТОКА орқали ревазуляризация ҳар қандай сабабга кўра ўлим ёки юрак етишмовчилиги сабабли касалхонага ётқизишнинг камайишига олиб келмаслиги қайд этилган (Guy's and St Thomas' Hospital (Буюк Британия), Barts Heart Centre, London (Буюк Британия)).

Дунёда СЮЕ ва ЮККни ташхислаш ҳамда даволашни оптималлаштириш муаммоларини ҳал этиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ЮКК ва СЮЕ билан оғриган беморларда коронар артериялар ревазуляризациясининг прогнозга таъсирини баҳолаш; «миокарднинг яшовчанлиги»ни аниқлаш усулларини такомиллаштириш; ишемик генезли СЮЕ билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунга қадар ЮКК патогенези, даволаш самарадорлиги ва профилактикасига бағишланган кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Коронар томирларнинг шикастланиши ва юрак етишмовчилигининг клиник кўринишлари билан кечувчи миокард дисфункцияси туфайли миокарднинг оғир ишемияси яқин вақтларгача эндоваскуляр ангиопластикани ўтказишга нисбатан қарши кўрсатма бўлиб келган (Л.А.Бокерия ва ҳаммуал., 2002). Хусусан, тинч ҳолатда ОФнинг ҳар 10% пасайишига ТОКАдан кейин госпитал ўлимнинг икки баравар ошиши тўғри келиши кўрсатилган. Коронар эндопротезлар пайдо бўлиши билан стентлаш турли босқичларда ва ЮККнинг турли клиник кўринишларида

муваффақиятли қўлланила бошланди: ностабил стенокардия, ўткир миокард инфаркти (ЎМИ), ЧҚОФ пасайган миокарднинг ишемик дисфункцияси, коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланиши, қандли диабет (Cosmi F., 2018; Crisafulli A., 2020; Del Buono M.G., 2020; Dunlay C.M., 2019; Eriksson J.W., Bodegard J., 2016).

Ўзбекистонда юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ЮКК билан оғриган беморларда эндоваскуляр даволаш усулларини қўллаш муаммосига бағишланган тадқиқотлар проф. Зуфаров М.М., Аляви Б.А., Алимов Д.А. ва бошқалар томонидан олиб борилган. Улар томонидан касалликнинг клиник шакли ва томирларнинг кўп томирли шикастланишларида ЮКК билан оғриган беморларда миокарднинг эндоваскуляр реваскуляризациясининг клиник-функционал қийматлари, самарадорлиги ва узок муддатли натижалари ўрганилган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда замонавий кардиологиянинг энг муҳим вазифаси коронар артерияларнинг шикастланиши, ЧҚ дисфункциясига боғлиқ ҳолда ишемик кардиомиопатиянинг кечиш хусусиятларини баҳолаш, шунингдек, миокард реваскуляризациясига ёндашувларни оптималлаштириш ва аралашувлар самарадорлигининг прогностик мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, республикамызда чап қоринча систолик дисфункцияси бўлган беморларда коронар артериялар шикастланишининг семиотикаси етарли даражада ўрганилмаган, турли даволаш усулларининг бевосита ва узок муддатли натижаларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш, уларни даволашнинг оптимал усулини танлаш алгоритмлари ишлаб чиқилмаган, ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт прогнозига морфофункционал омилларнинг таъсири ўрганилмаган. Бу эса мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлигини белгилайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг юрак етишмовчилиги ва миокарднинг нокоронароген касалликлари лабораторияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-09124 рақамли «Сурункали юрак етишмовчилиги кечиш динамикасининг клиник-функционал, генетик детерминантлари ва маркерларини баҳолаш асосида ишемик ва нокоронароген кардиомиопатияларнинг турли шаклларини даволашнинг янги юқори технологик усулларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чап қоринча систолик дисфункцияси бўлган юрак коронар касаллиги билан оғриган беморларда тери орқали коронар аралашувлар, аортокоронар шунтлаш, медикаментоз терапия самарадорлигини баҳолаш ва морфофункционал омилларга кўра оптимал даволаш тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

чап қоринча дисфункцияси билан юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ремоделланиш хусусиятларини коронар томирлар шикастланишининг семиотикаси билан боғлиқ ҳолда баҳолаш;

чап қоринча дисфункцияси билан ЮКК бўлган беморларда ТОКАнинг клиник-гемодинамик параметрлар ва яқин оқибатларга таъсирини аниқлаш;

чап қоринча дисфункцияси билан ЮКК бўлган беморларда АКШдан кейинги клиник ва гемодинамик кўрсаткичлар билан боғлиқ ҳолда юрак ремоделланиши жараёнининг динамикасини баҳолаш;

чап қоринча дисфункцияси билан ЮКК бўлган беморларда даволашнинг учта усули (ТОКА, АКШ ва медикаментоз терапия)ни қиёсий таҳлил қилиш;

чап қоринча дисфункцияси билан ЮКК бўлган беморларда ТОКА ва АКШга ижобий жавоб предикторларини аниқлаш орқали 2 йиллик ҳаёт прогнозини баҳолаш;

чап қоринча систолик функцияси пасайган ЮИКга чалинган беморларда клиник-функционал параметрларга асосланган ҳолда миокард ревазуляризацияси усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЧҚОФ 45% дан кам бўлган чап қоринча дисфункцияси билан кечувчи сурункали коронар касалликка чалинган 348 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб анамнез, физикал маълумотлар, липид алмашинуви, қондаги глюкоза, мочевина ва креатинин кўрсаткичлари, марказий гемодинамиканинг эхокардиографик кўрсаткичлари, коронар артерияларнинг ангиографик хусусиятлари ва ТОКА/АКШ натижалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник, биокимёвий, инструментал, ангиографик, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чап қоринча систолик дисфункцияси билан ЮКК бўлган беморларда ҳаётчан миокард аниқланмай туриб ўтказилган ТОКАнинг миокард ревазуляризацияси хавфсизлиги ва самарадорлиги баҳолашиб, унда касалхона давридаги асоратлар частотаси 8,1%, ангиографик муваффақият частотаси 85,7%, муолажанинг бевосита муваффақияти 85,1% ҳамда клиник муваффақият 85,7% ни ташкил этиши аниқланган;

коронар артерияларни стентлашнинг марказий ва юрак ичи гемодинамика кўрсаткичларига ижобий таъсири охириги систолик ва диастолик ҳажмларнинг камайиши ҳамда чап қоринча отиш фракциясининг ошиши билан тасдиқланиб, унда II–IV ФС стабил стенокардия бўлган ва 51–60 ёшдаги беморларда ТОКАнинг чап қоринча отиш фракцияси ўсиши билан боғлиқлиги кўрсатилган;

Дори-дармон терапиясидан фарқли ўлароқ ТОКА ва АКШ, чап қоринчанинг тузилмавий-функционал қайта шаклланиши камайишига кўпроқ ёрдам бериши, унда, юракнинг систолик ва диастолик функциялари

яхшиланиши ва бу натижалар кузатувнинг 2 йили давомида сақланиб қолиши аниқланган;

чап қоринча дисфункцияси билан ЮКК бўлган беморларда АКШдан кейинги 24 ойлик кузатув давомида энг юқори яшовчанлик даражаси қайд этилган;

чап қоринча систолик функцияси пасайган ЮККга чалинган беморларда клиник-функционал параметрларга асосланиб миокард ревазуляризацияси усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

чап қоринча систолик дисфункцияси билан юрак коронар касаллиги бўлган беморларнинг прогнозини яхшилаш учун текширув ва жарроҳлик усулида даволашнинг барча босқичлари тажрибали мутахассислар назорати остида ўтказилиши тавсия этилган;

чап қоринча систолик дисфункцияси (ЧҚОФ 45% дан кам) ва коронар қон томирларнинг кўп томирли шикастланиши бўлган ЮКК билан оғриган беморлар учун қарши кўрсатмалар бўлмаганда ва техник имкониятлар мавжуд бўлганда, ишлаётган юракда аортокоронар шунтлаш операциясини ўтказиш тавсия этилган;

чап қоринча систолик дисфункцияси бўлган ЮКК билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашнинг миокард ревазуляризацияси усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

чап қоринча систолик дисфункцияси бўлган ЮКК билан оғриган беморлар прогнозини яхшилаш учун миокарднинг тўлиқ ревазуляризациясини таъминлайдиган усулга устунлик бериш тавсия этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-биокимёвий, инструментал, ангиографик маълумотлар статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чап қоринча отиш фракцияси (ЧҚОФ) паст бўлган юрак коронар касаллиги (ЮКК) билан оғриган беморларда юракнинг патологик ремоделлашиш хусусиятларини коронар томирлар зарарланишининг клиник белгилари билан боғлиқ ҳолда аниқлаш асоратлар ривожланиш хавфини башоратлаш ва миокардни қайта қон билан таъминлаш усулини танлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ва таклиф этилган ЮККнинг турли шакллари ва ЧҚОФ пасайган беморларни даволаш усулини

танлаш алгоритмлари даволаш натижалари ва касалликнинг клиник-функционал кўринишларини яхшилашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чап қоринча дисфункцияси билан юрак коронар касаллиги бўлган беморларда даволашнинг турли усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* чап қоринча систолик дисфункцияси билан ЮКК бўлган беморларда ҳаётчан миокард аниқланмай туриб ўтказилган ТОКАнинг миокард реваскуляризацияси хавфсизлиги ва самарадорлиги баҳоланиб, унда касалхона давридаги асоратлар частотаси – 8,1%, ангиографик муваффақият частотаси – 89,4%, муолажанинг бевосита муваффақияти – 85,7% ҳамда клиник муваффақият – 89,4% ни ташкил этиши аниқланган бўлиб, ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 октябрдаги 8н-м/1084-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Отиш фракцияси пастлигига боғлиқ ҳолда юрак етишмовчилиги билан ЮИК бўлган беморларда тери орқали коронар аралашувлар» услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РИКИАТМ Қарши филиалида 2024 йил 14 октябрдаги 54-Т-сон ҳамда РИКАТМ Жиззах филиалида 2022 йил 15 октябрдаги 48/1-сон буйруқлар билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* юрак томирлари касаллиги ва чап қоринча систолик дисфункцияси бўлган беморларни даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини яхшилашга ёрдам беради; стенокардия хуружлари сонини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, юрак-қон томир касалликларини ўз вақтида даволаш; юрак ишемик касаллигини даволаш амалиёти вақтида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва хатолар сонини минималлаштириш имконини беради; стенокардия функционал синфини яққол пасайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тери орқали коронар аралашув орқали тўлиқ реваскуляризацияга эришиш иқтисодий томондан ҳар бир бемор учун 30,1 млн сўмни тежаш имконини беради (тери орқали аралашувнинг учта томирни стентлаш ва стационарда даволаниш билан базавий нархи 39,5 млн сўм, аортокоронар шунтлаш амалиёти касалхонага ётқизиш билан бирга 69,7 млн сўмни ташкил этади).

*иккинчи илмий янгилик:* илк бор коронар артерияларни стентлашнинг марказий ва юрак ичи гемодинамика кўрсаткичларига ижобий таъсири охириги систолик ва диастолик ҳажмларнинг камайиши ҳамда чап қоринча отиш фракциясининг ошиши билан тасдиқланиб, унда II–IV ФС стабил стенокардия бўлган ва 51–60 ёшдаги беморларда ТОКАнинг чап қоринча отиш фракцияси ўсиши билан боғлиқлиги кўрсатилган бўлиб, ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 7 октябрдаги 8н-м/1084-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Отиш фракцияси пастлигига боғлиқ ҳолда юрак етишмовчилиги билан ЮИК бўлган беморларда тери орқали коронар аралашувлар» услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РИКИАТМ Қарши филиалида 2024

йил 14 октябрдаги 54-Т-сон ҳамда РИКАТМ Жиззах филиалида 2022 йил 15 октябрдаги 48/1-сон буйруқлар билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* юракнинг қисқариш фаолияти тикланади, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланади, юрак-қон томир касалликлари реабилитацияси самарадорлиги ортади; ушбу гуруҳ беморларда ногиронлик кўрсаткичи камаяди. *Иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: стабил стенокардия II–IV ФС ва 51–60 ёшдаги беморлар гуруҳида ТОКА ўтказилганида чап қоринча отиш фракцияси ўсиши натижасида ногиронликнинг олди олинади ва иқтисодий томондан ҳар бир бемор учун 1 ойда 920 000 сўмни тежаш имконини беради (ҳар бир бемор учун ҳар ой давлат бюджети ҳисобидан 920 000 сўм нафақа пули тўланади) ва ўртача йиллик тўлов ҳисобига 11 040 000 сўмни иқтисод қилиш имконини беради;

*учинчи илмий янгилик:* илк бор дори-дармон терапиясидан фарқли ўлароқ, ТОКА ва АКШ чап қоринчанинг тузилмавий-функционал қайта шаклланиши камайишига кўпроқ ёрдам бериши, унда гипертрофия яққоллигининг пасайиши, юракнинг систолик ва диастолик функциялари яхшиланиши ва бу натижалар кузатувнинг 2 йили давомида сақланиб қолиши аниқланган бўлиб, ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 20 июлдаги 4 сонли баенномаси хулосаси билан тасдиқланган «Чап қоринча дисфункцияси билан ЮИК бўлган беморларда аортокоронар шунтлаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Оролбўйи минтақаси ихтисослаштрилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2024 йил 19 июндаги 43-сон ҳамда РИКИАТМ Наманган филиалида 2024 йил 20 майдаги 28-сон буйруқлар билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* дори-дармон самарадорлиги бўлмаган беморлар гуруҳида ҳаёт сифати яхшиланади, стенокардия ва юрак етишмовичлигининг функционал синфи камайтиради, юракнинг қисқариш фаолияти тикланади, юрак-қон томир касалликлари реабилитацияси самарадорлиги ортади; ушбу гуруҳ беморларда ногиронлик кўрсаткичи камаяди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: ТОКА ва аортокоронар шунтирлаш амалиёти бажарилган беморлар гуруҳида чап қоринча отиш фракцияси ўсиши натижасида ногиронликнинг олди олинади ва иқтисодий томондан ҳар бир бемор учун 1 ойда 920 000 сўмни тежаш имконини беради. Бу йиллик тўлов ҳисобига ўртача 11 040 000 сўмни иқтисод қилиш имконини беради (ҳар бир бемор учун ҳар ой давлат бюджети ҳисобидан 920 000 сўм нафақа пули тўланади);

*туртинчи илмий янгилик:* чап қоринча дисфункцияси билан ЮКК бўлган беморларда АКШдан кейинги 24 ойлик кузатув давомида энг юқори яшовчанлик даражаси қайд этилган; чап қоринча систолик функцияси пасайган ЮККга чалинган беморларда клиник-функционал параметрлар асосида миокард реваскуляризацияси усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 20 июлдаги 4 сонли маълумотномаси

билан тасдиқланган «Чап қоринча дисфункцияси билан ЮИК бўлган беморларда аортокоронар шунтлаш» услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Оролбўйи минтақаси ихтисослаштрилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2024 йил 19 июндаги 43-сон ҳамда РИКИАТМ Наманган филиалида 2024 йил 20 майдаги 28-сон буйруқлар билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ушбу гуруҳ беморларини даволаш самарадорлигини ошириш, стенокардия ва юрак етишмовичлигининг функционал синфини камайтириш, юракнинг қисқариш фаолиятини тиклаш, юрак-қон томир касалликлари реабилитацияси самарадорлигини ошириш ва шу орқали қайта госпитализациялар сонини камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: аортокоронар шунтлаш амалиёти касаллик асоратларининг камайиши ва даволаш самарадорлигининг ошиши ҳисобига шифохонада қайта даволанишлар сонини ўртача 2 баробар камайтириш ва шу орқали даволаниш учун сарфланадиган тўлов миқдори йил давомида ўртача 18 000 000 сўмга қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти бобдан, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юрак ишемик касаллиги ва чап қоринча систолик дисфункцияси бўлган беморларни даволаш усулларига замонавий ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи 3 та кичик бўлимдан иборат бўлиб, унда юрак ишемик касаллиги ва чап қоринча систолик дисфункцияси бор беморларни даволашнинг замонавий усуллари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари**» номли иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, клиник, лаборатория, функционал ва ангиографик тадқиқот усуллари бўйича маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқот Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази негизида 2014–2018 йиллар давомида олиб борилган.

Тадқиқотга ЧҚОФ пасайган (45% дан кам) 348 нафар бемор киритилган бўлиб, уларнинг 83,6% ини эркаклар, 16,4% ини аёллар ташкил этган. Беморларнинг ўртача ёши  $61,0 \pm 7,9$  ёш бўлган. Тадқиқотдан чиқариш мезонларига қуйидагилар кирган: эхонегатив беморлар, терминал буйрак ва жигар етишмовчилиги бўлган беморлар.

Барча беморларда клиник-лаборатория, биокимёвий, инструментал ва ангиографик ташхис усуллари қўлланилган бўлиб, улар липид спектри, глюкоза, қон креатинини аниқлаш, электрокардиография, эхокардиография, селектив коронароангиографияни ўз ичига олган.

Беморлар даволаш турига қараб 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ ТОКА (n=138), 2-гуруҳ - АКШ (n=127) ва 3-гуруҳ - ОМТ (n=86).

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш "SPSS 26.0" дастури ёрдамида амалга оширилган. Асосий кўрсаткичларлар ўртача (M) ва стандарт оғиш (SD) кўринишида тақдим этилган. Нормал тақсимотда, мустақил ўзгарувчиларнинг таққосланган ўртача қийматлари ўртасидаги фарқларни баҳолаш учун Студентнинг t-мезони (2 гуруҳ) ёки бир омилли дисперсия таҳлили (ANOVA) F мезонини ҳисоблаш билан (2 дан ортиқ гуруҳ) қўлланилган. Танланма ҳажми кичик ва сонли маълумотлар нормал тақсимот қонунига мос келмаганда, Манн-Уитни ва Уилкоксон мезонлари ёки Краскел-Уоллис мезонини (H-тест) ҳисоблаш билан бир омилли дисперсия таҳлили (ANOVA) (2 дан ортиқ гуруҳ) ишлатилган. Ўрганилаётган гуруҳда белгиларнинг учраш частотасини баҳолаш Пирсоннинг  $\chi^2$  усули билан амалга оширилган. Статистик аҳамиятлилиқ  $p < 0,05$  қийматида қайд этилган.

Диссертациянинг «**Чап қоринча қисқариш қобилияти пасайган ЮКК билан оғриган беморларни семиотикаси ва тери орқали коронар аралашувнинг (ТОКА) бевосита натижалари**» деб номланган учинчи бобида чап қоринча қисқариш қобилияти пасайган ЮКК билан оғриган беморларда семиотикасининг ўзига хос хусусиятлари ва госпитал даврда ТОКАнинг натижаларининг таҳлили ёритилган.

Ташхисий коронарография ўтказилганда, қон ҳайдаш фракцияси паст бўлган 138 нафар ЮИК билан оғриган беморнинг 343 та артериясида атеросклеротик зарарланишлар аниқланди, бу ўртача ҳар бир беморга 2,4 артерияни ташкил этди. Селектив коронарография маълумотларига кўра, беморларнинг 39 (28,3%) нафарида бир томирли зарарланиш, 99 (71,7%) нафарида эса кўп томирли зарарланиш кузатилган.

Энг кўп зарарланишлар олдинги қоринчалараро шохда (ОҚШО) - 130 (37,9%); ўнг коронар артерияда (ЎКА) - 71 (20,7%); айланма шохда (АйШ) - 62 (18,1%); айланма шохнинг ўтмас чеккаси шохларида (АйШЎЧ) - 28 (8,2%);

диагональ шохда (ДШ) - 18 (5,2%); орқа қоринчалараро шохда (ОрҚШО) - 14 (4,1%); оралик артерияда (ОА) - 6 (1,7%) ва орқа-ён шохда (ОЙШ) - 4 (1,2%) ҳолда аниқланди. Чап коронар артерия (ЧКА) танасининг гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли ( $\geq 50\%$ ) шикастланиши 10 (2,9%) ҳолатда аниқланди.

Коронарография натижаларига кўра 391 та гемодинамик аҳамиятга эга коронар артериялар стенози аниқланди. Аниқланган торайишларнинг умумий сонининг 56,6% «В» туридаги стенозлар, 34,1% «С» туридаги стенозлар ва 9,3% «А» туридаги стенозларни ташкил этди. Коронар артерияларнинг шикастланишлари орасида окклюзиялар 22,8% ни ташкил этди, улардан 78,7% (70 та шикастланиш) сурункали тўлиқ окклюзиялардир. Умуман олганда, "юқори" хавфли (стенозловчи атеросклеротик зарарланиш АСС/АНА морфологияси таснифи бўйича «С» тури) тож артерияларининг зарарланиши 44,2% ни ташкил этди. Коронар артерияларнинг зарарланган қисмларининг миқдорий таҳлили ўтказилганда, турли даражадаги (50% дан 99% гача) стенозлар 302 (77,2%), тўлиқ окклюзия - 74 (18,9%) ва функционал окклюзия - 15 (3,9%) та сегментларида кузатилди.

Зарарланган тож артериялар сонига кўра беморлар кўйидагича тақсимланди: бир томирли зарарланиш 39 (28,3%) нафар, икки томирли зарарланиш 48 (34,8%) нафар, уч ва ундан ортиқ эпикардиал артериялар зарарланиши 51 (36,9%) нафар беморда аниқланди. ЧҚ ОФ 35% дан юқори бўлган ЮИК билан оғриган беморларда зарарланган артериялар сони бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқ аниқланмади. Бироқ, ОФ 35% дан паст бўлган ЮКК билан оғриган беморлар гуруҳида бир томирли зарарланишга нисбатан тож артерияларнинг уч томирли зарарланиши бўлган беморлар статистик жиҳатдан ишончли тарзда кўпроқ учрагани кузатилди ( $\chi^2=4.547$ ;  $p=0.033$ ). Бундан ташқари, бир томирли ( $\chi^2=13.774$ ;  $p=0.000$ ) ва икки томирли ( $\chi^2=7.232$ ;  $p=0.007$ ) зарарланиши бўлган беморлар гуруҳида ЧҚ ОФ 35% дан юқори бўлган беморлар устунлик қилгани қайд этилди.

138 нафар беморда 188 та эпикардиал тож артерияларда 161 та ТОКА ўтказилди. 85 (62%) нафар беморда 1 та тож артерия стентланди, 51 (37%) нафар беморда 2 та тож артерия стентланди ва 2 (1%) нафар беморда 3 та тож артерия стентланди. Реканализация уринишлари 10 та ҳолатда муваффақиятсиз яқунланди ва стентлар ўрнатиб бўлмади.

ЧҚ ОФ пасайган ЮКК билан оғриган беморларда ТОКАда ангиографик муваффақият даражаси 85,7% (138), муолажанинг бевосита муваффақияти 85,1% (137), клиник муваффақияти эса 85,7% (138) ни ташкил этди.

Зарарланган томирлар сонига қараб аралашув турлари ва реваскуляризацияга эришиш даражаси 1-жадвалда келтирилган.

## 1-жадвал

### Томир зарарланиш сонига қараб аралашувлар тури ва реваскуляризацияга эришиш даражаси

	1-томирли зараланиш беморлар/томирлар	2- томирли зараланиш беморлар/ томирлар	3- томирли зараланиш беморлар/ томирлар	Жами
<b>1 томирда аралашув турлари</b>				
ТЛБАП+стентлаш	15	21	15	51
Тўғридан-тўғри стентлаш	11	5	1	17
Реканализация, ТЛБАП ва стентлаш	11	5	5	21
Реканализацияга уриниш	2	1	0	3
<b>2 томирда аралашув турлари</b>				
2 томирни ТЛБАП, стентлаш		4/8	9/18	13/26
2 томирни тўғридан-тўғри стентлаш		½	1/2	2/4
ТЛБАП, стентлаш+ реканализация и стентлаш		3/6	7/14	10/20
ТЛБАП, стентлаш+ тўғридан-тўғри стентлаш		4/8	6/12	10/20
ТЛБАП, стентлаш+ реканализацияга уриниш		3/6	2/4	5/10
Тўғридан-тўғри стентлаш+ реканализация, ТЛБАП ва стентлаш		1/2	1/2	2/4
<b>3 томирда аралашув турлари</b>				
2хТЛБАП, стентлаш + реканализация, ТЛБАП ва стентлаш			1/3	1/3
2хТЛБАП, стентлаш+ тўғридан-тўғри стентлаш			1/3	1/3
2хТЛБАП, стентлаш+ реканализацияга уриниш			1/3	1/3
ТЛБАП, стентлаш+ тўғридан-тўғри стентлаш+ реканализацияга уриниш			1/3	1/3
Жами беморлар/томирлар	39/39	48/64	51/85	138/188
Тўлиқ реваскуляризация	37 (94,9%)	13 (27,1%)	4* (7,8%)	52 (37,7%)
Нотўлиқ реваскуляризация	2 (5,1%)	35 (72,9%)	47 (92,2%)	86 (62,3%)

ТЛБАП – транслюминал баллонли ангиопластика

\*- иккита беморда миокард қон билан таъминланиш тури -чап, ОҚАШ ва АйШ да ТОКА бажарилди. ЎКА – кичик диаметрли ( 2 ммдан кичик).

Биринчи жадвалдан кўришиб туриптики бир томирли шикастланишда 94,9% (37) ҳолатларида, икки томирли шикастланишда - 27,1% (13) ва уч томирли шикастланишда эса фақатгина 7,8% (4) ҳолатларида тулик реваскуляризацияга эришилди.

Иккинчи жадвалда ТОКА дан сўнг клиник ҳолатни узгариши келтирилган (касаллик тарихидан таҳлил қилинган)

**2-жадвал**

**ТОКА дан сўнг клиник ҳолатни узгариши келтирилган (касаллик тарихидан таҳлил қилинган)**

Клиник ҳолат (ССС буйича)	ТОКА дан олдин n %	ТОКА дан кейин n %	Р
Стенокардия йуқ	0	0	
Барқарор стенокардия I ФС	0	9 (6,5)	0,003 $\chi^2=9,3$
Барқарор стенокардия II ФС	3 (2,2)	34 (24,6)	0,001 $\chi^2=29,9$
Барқарор стенокардия III ФС	46 (33,3)	32 (23,2)	0,06 $\chi^2=3,5$
Барқарор стенокардия IV ФС	4 (2,9)	0	0,044 $\chi^2=4,0$
Зурайиб борувчи стенокардия	24 (17,4)	0	0,001 $\chi^2=26,2$
Ўткир миокарди инфаркти	40 (28,9)	63 (45,7)	0,001 $\chi^2=22,7$
ЎМИ+ инфарктдан кейинги эрта стенокардия:	21 (15,3)	0	
Жами	138 (100)		

Учинчи жадвалда госпитал даврида юрак етишмовчилигини NYHA буйича функционал синфини ТОКА дан кейинги узгариши келтирилган.

**3-жадвал**

**Юрак етишмовчилигини NYHA буйича функционал синфини ТОКА дан кейинги узгариши**

NYHA буйича функционал синфини	ТОКА дан олдин n %	ТОКА дан кейин n %	Р
IV ФС	6 (4,4)	0	0,014
III ФС	118 (80,5)	56 (40,6)	0,001
II ФС	14 (10,1)	82 (59,4)	0,001
I ФС	0	0	
ЖАМИ	138 (100)		

Юқорида келтирилган 2- ва 3-жадвалларни таҳлил қилиб ЧҚ ОФ пасайган ЮКК билан оғриган беморларда медикаментоз даво билан биргаликда ТОКАдан кейин стенокардияни даражасини ва юрак етишмовчилиги функционал синфини ишончли даражада пасайтириш мумкин деган хулосага келишимиз мумкин.

ТОКА ўтказилганда ангиографик асоратларнинг умумий частотаси 8,1% (13) ни ташкил этди. Тож артерия диссекцияси 9 (69,2%) ҳолатда ривожланди ва унинг ривожланишида 4 ҳолатда стентларни ўрнатишга эришилди, 5 ҳолатда эса консерватив даволаш билан чекланди. 1 ҳолатда 2-босқичда

стентлар ўрнатилди. Ён шохнинг окклюзияси 2 (15,4%) ҳолатда ва яна 2 (15,4%) ҳолатда "no-reflow" феномени ривожланди. Юқоридаги барча ҳолатларда консерватив даволаш ўтказилди. Катта юрак асоратларининг ривожланиш частотаси (ўткир миокард инфаркти, ўлим, аортокоронар шунтлаш) 1,5% (2) ни ташкил этди; иккала ҳолатда ҳам Q-тишсиз миокард инфаркти ривожланди. Ўлимга олиб келмайдиган миокард инфаркти бошланишига 1 та ҳолатда ён шохобча окклюзияси, 1 та ҳолатда эса тож артериянинг диссекцияси сабаб бўлди. Амалиётдан сўнг, госпитал даврида 1 (0,7%) ҳолатда беморда ошқозон-ичак трактдан қон кетиши кузатилди

**Диссертациянинг "Тери орқали коронар аралашувларнинг узок муддатли натижаларига ва чап қоринча гемодинамик параметрларига морфофункционал омилларнинг таъсири"** деб номланган тўртинчи бобида узок муддатли даврда даволаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида ЧҚ систолик дисфункцияси бўлган КБС билан оғриган беморларда якуний нуқталар аниқланди. Беморлар ёки уларнинг қариндошлари телефон орқали жами 63% (87) ҳолатда сўров ўтказилган, 47% (51) ҳолатда турли сабабларга кўра алоқа ўрната олмаган. Сўралган 87 нафар бемордан 72 (82,8%) нафариди ҳаёт прогнози ва юрак ичи гемодинамикаси параметрлари динамикаси ўрганилди. Катта кардиал асоратлар ривожланмаган узок муддатли даврда омон қолиш 75,0% (54) ни ташкил этди. БХТС ривожланиш частотаси 25,0% (18) ни ташкил этди, улардан 20,8% (15) да ўлим оқибати ривожланди (7 ҳолатда сабабни аниқлаш имкони бўлмади, 6 ҳолатда тўсатдан ўлим натижасида, 1 ҳолатда сурункали буйрак етишмовчилигининг ривожланиши натижасида ва 1 ҳолатда ривожланган асорат туфайли ва 1 ҳолатда аденомектомия операциясидан кейин ривожланган асорат туфайли), 2,8% (2) ҳолатда - нофатал миокард инфаркти ва 1,4% (1) ҳолатда АКШ амалиёти бажарилган.

4-жадвалда миокард реваскуляризацияси даражасига қараб ўлимнинг ривожланиш частотаси келтирилган.

4-жадвал.

**Узок муддатли ўлим частотасининг реваскуляризация даражасига боғлиқлиги.**

№	Реваскуляризация даражаси	Беморлар n (%)		
			Ўлим n (%)	ОШ; ДИ; p
1	Тўлиқ реваскуляризация	35	3 (8,6)	0.195; 0.05;0768 0.013
